

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Нодавлат Нотижорат Ташкилотлари Ассоциацияси Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) лойиҳаларининг Ўзбекистондаги координатори ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда мамлакатимиз журналистлари ўртасида “Ўзбекистоннинг ижтимоий фаол аёллари ОАВ нигоҳида” мавзуида ижодий танлов эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Нодавлат Нотижорат Ташкилотлари Ассоциацияси ва ЕХХТ лойиҳаларининг Ўзбекистондаги координаторининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан маъқулланган “Ўзбекистон Нодавлат Нотижорат Ташкилотлари Ассоциацияси имкониятларини кучайтиришга кўмаклашиш. 3-босқич” лойиҳаси доирасида ўтказилади. Мазкур танловнинг асосий мақсад ва вазифаси Ўзбекистонда аёллар ва эркаклар ҳуқуқи тенглиги масалаларига жамоатчиликнинг эътиборини жалб этиш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлаш, жамоатчиликда аёлларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини янада кучайтириш, юртимиз журналистларининг малакасини оширишга йўналтирилган. Танловда асосан эркак журналистларнинг иштироки маъқулланади.

Танлов ғолиблари учун 4 номинация: радио, телевидение, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича “Ўзбекистон фаол аёллари ҳақидаги энг яхши материал учун” 4 та асосий мукофот таъсис этилган. Ўзига хос ва сифатли материаллар учун қатор рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам тақдим этилади. Танлов ўтказиш жараёнида қизиқарли деб топилган материаллар Ўзбекистон Нодавлат Нотижорат Ташкилотлари Ассоциацияси, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) лойиҳаларининг Ўзбекистондаги координатори веб-сайтларига жойлаштирилади. Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази веб-сайтидан эса материаллар билан бир қаторда танлов ғолиблари тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўрин олади.

Танловга 2009 йилнинг 1 августидан 15 октябригача бўлган муддатда радио, телевидение орқали эфирга узатилган ва матбуот ҳамда интернетда чоп этилган таҳлилий материаллар қабул қилинади.

Телевидение материаллари (видеоматериаллар) 3 дақиқадан 15 дақиқাগача бўлиши керак. У танловга исталган видеоташувчида тақдим этилиши мумкин.

Радиоматериаллар (аудиоматериаллар) - 3 дақиқадан 15 дақиқাগача бўлиши ва танловга аудиокассета ёки CD дискда тақдим этилиши керак.

Танлов учун материаллар Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро марказига юборилиши лозим.

Бизнинг манзил:

Тошкент шаҳри, 1000029, Бухоро кўчаси 26-уй (3-қават).

Телефон/Факс: (998-71) 2339042

E-mail: journal@bbc.uz , nadejda@bbc.com.uz